БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 187 (3688)
ЖУМА
18 АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ, ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШИМИЗ — БЕШ ЙИЛЛИККА

● Беш йиллик одимлари

САККИЗ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Маҳаллий саноат министрлигига қарашли тўқимачилик-галантерея фабрикаси яна бир давон ошди. Куни кеча корхона коллективи зарбдор меҳнат йилининг саккиз ойлик топшириғини муддатидан илгари адо этганлиги ҳақида рапорт берди.

Йил бошидан буён савдо ташкилотларига 2 миллион 200 минг сўмлик истеъмол буюмлари етказиб берилди. Корхона коллективи партия қарорларига жавобан ўз зиммасига яна оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, ой охирига қадар планга қўшимча 230 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз берди. Бу социалистик мажбуриятлардагидан 30 минг сўмлик кўп демакдир.

Шунингдек, тўқимачи-галантереячилар дала меҳнаткашларига ҳам амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

БУГУН

фабрика чеварлари жиззахлик чўлқувларнинг буюртмаларини бажаришга киришдилар. Улар жиззахликлар учун 30 минг та ёстиқ ва матрас-кўрпа тайёрлаб беришади.

Корхона меҳнат аҳли айниқса, буюмлар ассортиментини кенгайтиришга катта эътибор бериб келяпти. Бугунги кунда фабрикада 30 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир тўқимачи-галантереячилар «Олимпиада—80» га бағишлаб турли буюмлар ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўрмоқда.

М. ТЎЛАГАНОВ.

ОЛИМПИАДА БЕЛГИСИ ҚЎЙИЛГАН

БУГУН

Тошкент чинни заводида 1980 йилда Москвада бўладиган XXII олимпиада ўйинлари рамзи туширилган янги маҳсулотни ўзлаштириш ниҳоясига етказилди.

Корхонада дастлабки олимпиада белгиси қўйилган маҳсулот шу йилнинг бошларида тайёрланган эди. Беш ҳалқа билан жиҳозланган бу буюмлар фақат тошкентликларгагина эмас, балки ўрта Осиё республикаларининг турли бурчакларида истиқомат қилаётган харидорларга ҳам манзур бўлиб қолди. Чунки улар халқ амалий санъати услубида юксак бадиий савияда безатилган бўлиб, кишиларга завқ бағишламоқда.

Ҳозир корхонада ўн бешдан зиёд маҳсулот Давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Бу буюмлар орасида коса, пиёла, ваза ва турли хил наборлар бор. Ишчи ва хизматчилар маҳсулот сифатини яхшилаш ва тежамкорликда катта ютуқларни қўлга киритиш ниятида изланишни давом эттиришяпти.

● МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

ВАЪДАГА ВАФО

БУГУН

Тошкент қоғоз фабрикасининг картон цехида А. Геринг бошчилик қилаётган бригада коллективи муносиб меҳнат муваффакиятига эришди. Бу бригада 23 миллион донадан зиёд қоғозли қутичалар учун хом ашё тайёрлаб, уч йиллик планни бажарганлиги ҳақида ғалаба рапортини берди.

Бригада аъзоларининг илғор иш усулларидан унумли фойдаланганлиги, меҳнат интизомини яхшилаганлиги, ишлаб чиқаришда бир-бирига яқиндан ёрдам берганлиги натижасида ана шундай ғалабага эришилди. 11 кишидан иборат бўлган бу бригада ўз зиммасига яна оширилган мажбурият қабул қилди. Улуғвор ўнинчи беш йиллик топшириқларни 1980 йилнинг биринчи августигача бажариш юзасидан амалий режалар белгиланди.

ЁШЛИК ҒАЙРАТИ БИЛАН

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг 650 студенти меҳнат семестрида қатнашмоқда. Улар шаҳримиздаги Оржоникидзе районидаги ва Янгиер шаҳридаги қурилишларда ишлашмоқда. Айниқса, 11-«Висотстрой» трестига қарашли 76-қурилиш бошқармаси пардозловчилари билан ишлаётган қалбиолов ёшлар қурувчиларнинг таҳсинига сазовор бўлишяпти. Табиётгеография факультети студентларидан ташкил топган Т. Акромхўжаев командирлик қилаётган «Альпинист» отряди масъулиятли объектда ишлаяпти. Отряд жангчилари 16 қаватли экспериментал бино қурилишида пардоз ишларини олиб боришяпти. «Дўстлик» отряди аъзолари ўрмончилар уйини бунёд этаётган қурувчилар сафида ғайрат кўрсатишмоқда. Иккала отряд жангчилари 20 августгача 60 минг сўмлик иш бажариш учун ҳаракат қилишмоқда.

— Янгиерда тўртта отрядимиз чўлқуварлар учун турар жой бинолари қуришяпти. У ерда математика факультетининг асосан қизлардан ташкил топган «УМ-78» отряди пешқадамлик қилмоқда, —дейди институт комсомол комитети секретарининг ўринбосари А. Одилов.

Бўлғуси педагоглар меҳнат семестрини ҳаммаси бўлиб, 680 минг сўмлик иш бажариш билан якунлаш ниятида-лар.

АҲДГА ЯРАША

Бадиий буюмлар фабрикаси коллективи ўзбек миллий каштачилигининг довруғини оламга ёйишга салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Бугунги кунда корхона маҳсулоти Ҳиндистон, Эрон, Польша, Чехословакия, Руминия каби ўнлаб давлатларга жўнатилмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Фабрика меҳнат аҳли буюмларининг сифати учун жон куйдирмоқда. Бугунги кунда 14 хил маҳсулот Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти.

Корхонада СССР Конституцияси н и н г бир йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Мусобақа туфайли ярим йиллик топшириқ ҳам ортиғи билан адо этилди. Плондан ташқари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 455 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Чеварлар партия қарорларига жавобан яна янги оширилган мажбурият қабул қилдилар. Улар йил охиригача планга қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришади.

Шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган Р. Шарофиддинова, Т. Кобликова, М. Аҳмадхўжаева, Т. Идрисова, Қ. Йўлдошева, М. Абдукамолова каби ўз касбининг усталари аҳдларига вафо қилишди. Ҳозирда 20 нафар чевар шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.



Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Лола Турднева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг номини ҳурмат билан тилга олади. Чунки бу бригаданинг барча аъзолари пешқадам тикувчилардир. Мазкур коллектив айни кунларда комсомолнинг 60 йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун нурашмоқда.

СУРАТДА: бригаданинг бир группа аъзолари.

БАЙРОҚ МУБОРАК

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг молия бўлими мамлакатимиз молия муассасалари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақаларда юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Шаҳримиз молиячилари ана шундай ютуқларга эришганликлари, давлат даромадлари ва бюджети планларини муntазам равишда бажарганликлари учун муносиб мукофот билан тақдирландилар.

Кеча Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида шаҳар молия бўлими коллективига СССР Молия министрлиги ва Давлат муассасалари ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи тантанали топширилди. Кўчма Қизил байроқни Узбекистон ССР молия министрининг биринчи ўринбосари А. И. Крикоров топширди.

Металл ўрнида пластик

«Таштекстильмаш» заводининг рационализаторлари тўқимачилик машиналарининг узелларидаги металл деталлар ўрнига пластмасса деталлар қўйишни таклиф қилдилар. Натижада агрегатларга чанг тушиши анча камайди. Металл деталларни алмаштириш ип узилиши миқдорини уч карра қисқартирди.

[УзТАГ].

РАҲМАТ ФАЙЗИЙГА ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ УНВОНИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли ўзбек адиби Раҳмат Файзийнинг асарлари нафақат мамлакатимизда, балки чет элда ҳам машҳурдир. Раҳмат Файзийнинг совет халқларининг интернационал дўстлигига бағишланган «Ҳазрати инсон» романи ВЦСПС ва СССР Ёзувчилар союзининг мукофоти билан тақдирланган эди. Роман Москвада ва чет элларда алоҳида нашр этилди.

Польша Халқ Республикасида ў т к азилган совет адабиёти кунларида совет ёзувчилари группаси — Г. Марков, К. Қулиев, А. Кешоков, С. Михалков, С. Сартаков, Л. Ошанин ва бошқалар ПХРда хизмат кўрсатган маданият арбоби унвони билан тақдирландилар. Ана шу фахрий унвон билан тақдирланганлар орасида таниқли ўзбек адиби Раҳмат Файзий ҳам бор.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Главташментстрой»га қарашли 153-қурилиш трести 3-қурилиш бошқармасининг Константин Плешков бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи ишлаб чиқариш графигидан ярим ой илгарилаб меҳнат қилмоқда. Бу комплекслашган бригада Тимирязев ва Хуршид кўчалари чорраҳасида тўрт қаватдан иборат 72 квартирали турар жой биносини бунёд этишяпти.

БУГУН

мазкур бинонинг биринчи қаватида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилди.

Бинонинг иккинчи қаватида ғишт териш ишлари жадал суръатлар билан давом эттириляпти. Бу ерда меҳнат қилаётган қурувчилар СССР Конституцияси кунигача беш йилликнинг уч йили топшириғини бажаришга аҳд қилишган.

М. ФЕЛЬДМАН.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Эдвард Герек, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Генрик Яблоньский ва Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Петр Ярошевичнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневга, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Алексей Николаевич Косигинга жавоб телеграммаси эълон қилинган. Унда Польша қайта тикланганлигининг 34 йиллиги муносабати билан йўлланган табрик ва истаклар учун самимий миннатдорчилик изҳор этилади.

◆ Днепродзержинск шаҳрининг «Дзержинец» газетасини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони берилган.

ДАМ ОЛИШ, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, СПОРТ ЗОНАСИ

16 август куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ранслигида Жиззах областининг Зомин районида бўлиб ўтган кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Зомин тоғ-ўрмон районида қишки спорт турлари маркази ва соғломлаштириш-спорт комплексини барпо этиш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Бир қанча министрликлар ва идоралар, касаба союз, комсомол ташкилотларининг раҳбарлари шу ноёб комплексни қуриш билан боғлиқ топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида маълумот бердилар.

Туркистон тизма тоғи этакларида, Зомин кўриқхонаси ёнида санаторийлар, оилавий дам олиш уйлари, пионер лагерлари қад кўтаради. Жамоат маркази, совет ва чет эл сайёҳлари учун меҳмонхона ва кемпинглар қуриш кўзда тутилган.

Спорт комплекси оммавий спорт талабларига, айни маҳалда энг юксак халқаро стандартларга мос келади. Тоғ чанғичилари, чанада учувчилар учун трассалар белгилаб чиқилди. Спортчиларни старт жойларига арқон йўллар кўтариб чиқаради. Жануб қуёши остида муз устида хоккей ўйнаш ва конькида фигурали учишдан иборат азалий орзу амалга оширилади: устиочиқ яхмалаклар қуриш лойиҳаланган.

Стадионлар, ипподром, от спорти манежи, сузиш бассейнлари, спорт заллари, ўйин майдонлари тоғ манзарасига пайваста бўлади.

Бу ерда ГТО нормаларини бажарувчи кишилар учун ҳам, юқори класс спортчилар учун ҳам шароит яхши бўлади. Бу зонада республиканинг қишки спорт турлари ва бошқа бир қанча спорт турлари бўйича терма командаларини тайёрлаш ишлари олиб борилади. Бу ерда мамлакатнинг терма командалари ҳам азиз меҳмон бўлади. Спорт профилидаги мактаб-интернат юқори малакали спортчилар тайёрлашга ёрдам беради.

Зомин комплекси табиий шароитлари ва иншоотларининг класси бўйича келажакда жаҳон спортининг энг машҳур марказларидан ҳам қолишмайди.

Ҳозир иш қўламини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Лойиҳачилар дастлабки чизмаларни чиқариб бердилар, техника ҳужжатларини тайёрлашни жадаллаштирдилар. Катта Ўзбекистон трактини Зомин зонаси билан боғлайдиган автомобиль йўли қурилди, бошқа коммуникациялар ҳам ётқизилмоқда, қурилиш майдонлари тайёрланмоқда. Ишларни жадаллаштирувчи ва юксак сифатли бўлишини таъминловчи бир қанча чоралар белгилаб чиқилди.


Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, А. А. Хўжаев, Г. М. Орлов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Суратда: Зомин тоғ-ўрмон районида бунёд этилаётган маъмурий-маданий ва спорт марказининг манзараси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).



телетайп лентасидан

● **СОФИЯ.** Пловдив, Стара Загора округлари ва Болгариянинг бошқа округларидаги токзорларда узумнинг эртапишар навлари ҳосилини узиб олишга киришилди. Ширин-шакар узум бошлари рефрижераторларга юкланиб, токзорлардан тўппа-тўғри савдо шохобчаларига жўнатилмоқда.

Узумчилик мамлакат қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 200 мингдан кўпроқ майдон ток учун ажратилган.

Болгария узум етиштириш жиҳатидан Европада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

● ВЕНА. Австрия ишчи ва хизматчилари иш ҳақининг тобора кўп қисми ҳар хил солиқ ва божлар тўлаш учун сарфланмоқда. Расмий статистика маълумотларига кўра, ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг 75 процентидан кўпроғи солиқлар ва божлар тўлаш учун кетади. Солиқ ажратмалари бундан аввалги йилдагига нисбатан 3,4 процент кўпайган, кейинги ўн беш йил мобайнида эса 10 процентдан зиёд ортган.

● **ОТТАВА.** Канадада кун кечириш тобора қимматлашиб бормоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошганлиги аввало бунга сабаб бўлмоқда. Канада статистика бюросининг маълумотларига қараганда, мамлакатда июль ойида қимматчиликнинг ўсиш суръатлари 9,8 процент бўлган. Бу — сўнгги уч ой мобайнидаги энг юқори кўрсаткичдир.

● ВАШИНГТОН. АҚШда уй-жой ва квартира ҳақи гоят тез ўсиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги уч йил мобайнида Америка пойтахтининг ўзидагина уй-жойларда истиқомат қилиш ҳақи қарийб 70 процент шаҳарнинг айрим районларида эса уч баравардан зиёд ошган.

● **ЖАЗОИР.** ЖХДР президенти, Революцион кенгаш Раиси Х. Бумединдан Жазоир меҳнаткашларининг статусини, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилаб берувчи қонунни имзолади. Ана шу янги қонуннинг қабул қилинишини Жазоир жамияти ривожланишининг ҳозирги босқичи шарт-шароитлари тақозо этмоқда. Мустақиллик даврида рўй берган прогрессив ўзгартишлар меҳнаткаш инсоннинг ролини янгича белгилаш имконини берди.

Янги қонунда меҳнаткашларнинг меҳнати ва соғлиқни-саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига, шунингдек социал тараққиётни таъминлашда давлатнинг ролига катта эътибор берилмоқда.

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир группа илғор меҳнатчилари 1980 йил ҳисобига меҳнат қила бошладилар. Корхонанинг А. Романаева, К. Ишкова, В. Лашак сингари меҳнатчилари ана шундай муваффақиятга эришишди.

СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақага актив қўшилган бу бирлашмада ҳозирги пайтда ана шундай минглаб зиёд пешқадам меҳнатчи бор. Бирлашманинг 306 илғори 7 октябрда беш йилликнинг уч йиллик плани бажарилганлиги тўғрисида рапорт беради. Корхона бўйича планга қўшимча 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Куйбишев районининг маданият ходимларидан бир группаси Сирдарё областига жўнаб кетди. Кўрик ернинг хўжаликларида бир неча кун давомида маданий хизмат кўрсатадиган ана шу группанинг бошлиғи, район маданият бўлимининг мудири В. Я. Кузнецова мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бериш мақсадида биз ана шу завқли сафарга чиқдик. Сафимизда Луначарский номли маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари, Горький номли кутубхонанинг ходимлари бор.

Район маданий-оқартув ходимлари Сирдарё областида СССР янги Конституциясининг бир йиллигини кутиб олиш юзасидан олиб бориладиган тайёргарлик ишлари тўғрисида семинар ўтказдилар. Бундан ташқари дала шийпонларидаги кутубхоналарга совға қилиш мақсадида 500 дан зиёд сиёсий-бадиий китобларни ажратдик. Махсус концерт бригадаси дала шийпонларида ўзининг қатор концертлари билан пахтакорларни мамнун қилади.

Бугун

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленияси илмий-тадқиқот институтларининг олимларидан иборат ташкил этилган группа Жиззах областининг қатор хўжаликларида суҳбатлар ўтказмоқда.

Бу группада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти олимлари, юридик фанлари доктори Э. Ҳакимов, юридик фанлари кандидати Т. Аюпов, шарқшунослик институти илмий ходими, халқаро-чи лектор Э. Ширинбоев, филология фанлари кандидати У. Убатов, иқтисод фанлари кандидати Т. Носиров, илмий ходим В. Шатиловлар бор.

Шаҳарлик олимлар хўжаликларда КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари ва материалларини дала меҳнаткашлари ўртасида кенг пропаганда қилиш бўйича лекциялар ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Улар ўзаларининг сафарини якшанба куни ниҳоясига етказишади.

Тошкент авиаторлари клубида СССР ҳаво Флоти кунига бағишланган меҳнат ва шон-шуҳрат кечаси тантанали очилди. Пойтахт авиаторлари ўзаларининг байрамларини меҳнатда муносиб муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Шу йилнинг етти ойи ичида 1 миллион 670 минг йўловчи турли манзилларга етказиб қўйилди. Бундан ташқари 11 минг тонна почта, 12 минг тонна зарур халқ хўжалик юклари ташиб берилди. Қизғин давом этаётган социалистик мусобақада энг муносиб илғорларнинг номлари ва уларнинг амалга ошираётган ишлари муносиб тақдирланмоқда. В. Е. Алемаскин командирлигидаги «Ил-18» самолётининг экипажи беш йилликнинг уч йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Бугун ташқари Ил-62 ва ТУ-154 самолётларининг А. В. Фадеев ва Т. У. Холмирзаев командирлик қилаётган экипажлари ана шундай ютуқларга эришмоқда.

Тошкент граждан авиациясида бир қатор илғор меҳнат кишилари борки, улар узоқ йиллардан буён ўз оила аъзолари билан авиациянинг орнини енгил қилмоқдалар. Грибенниковлар. Седовлар, Ефимковлар авиация техниклари Гришинлар ана шулар жумласидандир. Сулола бошлиғи Дмитрий Александрович Гришин авиация байрами кунида ўзининг 70 ёшини нишонлайди. У ҳаётининг 50 йилини авиацияга бағишлади.

Ҳаво флоти кунига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференция ҳам қизиқарли бўлди. Бунда Тошкент авиация корхоналари бўлинмаси командирининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари В. П. Брагин «Совет Ҳарбий Флотининг жанговар ва шон-шуҳратли меҳнати» деган темада доклад қилди.

«Ўзбекистон пионери» деган агитация поезди Иваново ва Новгород областларига жўнаб кетди. Ана шу поезд Тошкент ва республика бошқа шаҳарлари мактабларининг ўқувчиларидан иборат қилиб тузилган. 200 дан ортиқ ўқувчи турли хил конкурслар, турнирлар, викториналарда голиб чиққанлиги учун бу сафарда қатнашишга муяссар бўлди.

Пионерлар Россия Федерациясининг ноқоратупроқ зона ерларида бунёд этилаётган корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларда концертлар беради-лар.

Ўзбекистон пионерлари ўзларининг ана шу сафарини Ленин комсомолининг 60 йиллигига бағишладилар.

Эртага

якшанба куни Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округининг жанговар шон-шуҳрат музейида округ жангчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамони, собиқ ҳарбий-учувчи Абдусаттор Эшонқулов билан учрашадилар. У жангчиларга Улуғ Ватан уруши йилларида Совет авиациясининг бажарган жанговар операциялари ҳақида гапириб беради. Шундан кейин «Ғалаба меросхўрлари» деган фильм намойиш қилинади.

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Звезда Востока» маданият саройи коллективи ҳам авиаторлар куни учун жуда катта байрам программасини тайёрлади. Корхонанинг ишлаб чиқариш илғорлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари, ветеранлари, комсомоллари, авиасозлар шаҳарчасида байрамни олқишлаб сафтортиб ўтадилар. Корхонанинг бадиий ҳаваскорлик коллективлари, спортчилари кун бўйи ўз маҳоратларини намойиш қилишади.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — амалда

КОММУНИСТ УЙЛАРИ

АНИҚ ТАДБИРЛАР АСОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорлари ва унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги доклади пойтахтимиздаги барча саноат корхоналари сингари бизнинг электрон-техника заводимиз коллективи ўртасида ҳам қизғин ва тўла-тўкис маъқулланди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг қишлоққа оталиқ ёрдами бериш-нинг аҳамияти ҳақида тўхталиб: «Москва ва Москва области. Ленинград. Свердловск. Киев. Днепропетровск. Волгоград. Минск. Тошкент партия ташкилотлари бу соҳада кўп иш қидмоқдалар. Мазкур партия ташкилотларининг ташаббуси ва иш тажрибасини бошқа шаҳарлар ва саноат марказларининг партия комитетлари ҳар томонлама қўллаб-қувват л а с а арзийди», деган сўзлари ҳар бир корхона партия ташкилоти олдига янада масъулият юклайди.

Корхонамиз партия комитети июль Пленуми икунлари ва корхона оталигидаги Жиззах область Октябрь район «Уч қаҳрамон» совхозига оталиқ ёрдамини янада кучайтириш вазифаларини муҳокама қилди. Унда сўзга чиққан коммунистлар июль Пленуми қарорларига жавобан оталиқдаги хўжаликка механизм ва кўплаб эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, дала механизаторлари учун маданий-маиший шароитни янада яхшилаш, механизатор кадрларга бевосита амалий ёрдам бериш борасидаги конкрет таклифларни ўртага ташладилар.

Мавжуд хўжалик билан корхонамиз коллективи ўртасида шартнома тузилган. Унга мувофиқ ишчилар группаси тузилди. 30 кишидан иборат бу группада моҳир ишчилар, қўлгул мастерлар бор. Хўжаликка юборилган автолетучка қишлоқ механизаторлари хизматидадир.

Корхона партия комитети белгилаган тадбирлар орасида қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтириш учун заводда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада оширишга, ўзаро социалистик мусобақани ривожлантиришга катта эътибор берилган. Шу кунларда О. Южний, А. Вдовин, Р. Кутуев сингари беш йиллик зарбдорлари барчага намуна бўлишяпти. Бу коммунистлар ишлаб чиқаришда бошқаларга ўрнак бўлибгина қолмай, июль Пленуми қарорларини коллектив ўртасида кенг тушунтириш йўлида ҳам кўпгина ишлар қилишмоқда. Ҳар бир цех, участка, бригада, смена коллективи бу мусобақада голиб чиқишга астойдил интилмоқда.

Корхона партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коллективнинг ҳар бир аъзосида ўз меҳнатининг натижаси учун масъулият ҳиссини тарбияламоқда. Ҳозир заводнинг 96 процентдан зиёдроқ ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари социалистик мусобақанинг турли формаларига жалб этилганлар. Мусобақада голиб чиқаётган пешқадамларнинг иш тажрибалари ўз вақтида оммалаштирилиб турилибди. Бунда кўргазмали агитация ва оғзаки сиёсий агитациядан кенг фойдаланилмоқда.

В. КУВШИННИКОВ,

В. И. Ленин номли электрон-техника заводи коммунистик меҳнат зарбдори.



Фотима Аҳмадхўжаева 12 йилдан буён 3-ўқув ишлаб чиқариш корхонасида тикувчи-мотористка бўлиб ишлаб келмоқда. У ўзининг ҳалол меҳнати билан коллектив ҳурматини қозонган. Айни кунларда смена топшириқларини 120 процент адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўляпти.

Суратда: Ф. Аҳмадхўжаева.

И. Хоннелднев фотоси.

• Меҳнат семестри

САЛМОҚЛИ ҲИССА

Студентлар меҳнат отрядлари ўртасида социалистик мусобақа ғолибларига 1000 сўм миқдорида пул мукофоти ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари топширилади. Ҳар бир студент отрядининг иштирокчиси Гагарин шаҳри, Ҳанойда қурилаётган пионерлар уйи ва Гаванада ўтказилган жаҳон ёшлари фестивали фонди учун уч кун ишлаб бердилар.

Тошкент шаҳрида ишлаётган студентлар қурилиш отрядлари ўртасидаги социалистик мусобақага қўшилган «ВЛКСМ XVIII съезди» номли Тошкент политехника институтининг қурилиш отряди аъзолари мусобақада ғолибликка эришиш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ўз сафига кимия-технология факультети студентларидан 50 йигит ва қизни жипслаштирган бу отряд 11-«Висотстрой» трестига қарашли 75-қурилиш бошқармасида меҳнат қилмоқда. Отряд аъзолари 50 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини 20 августгача бажариб беришни ўз зиммаларига олганлар.

Шу кунларда отрядимиз аъзоларининг асосий қисми Хуршид кўчаси бўйлаб ўтадиган кабель трассасини тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Бу ишда отряд аъзоларидан Ш. Йўлчиев, А. Турсунов, Г. Нормуҳамедова, М. Нуриддинова, Н. Мўминов, З. Ахуродов, М. Аҳмедов ва бошқа студентлар намуна бўлишяпти. Кабель трассасини 27 августгача қуриб битказиш планлаштирилган.

22 июль, шанба куни Тошкент Политехника институти студентлари учун одатдагидан ўзгача кун бўлди. 400 дан ортиқ йигит ва қиз «Меҳнат зафарларимиз ВЛКСМ 60 йиллигига» шиори остида ўтказилган шанбаликда қатнашди. Улар Тошкент метрополитенининг турли станцияларида меҳнат қилиб метросозларга яқиндан ёрдам бердилар. 23 август куни эса 100 студент В. И. Ленин номидаги болалар богини гўзаллаштириш учун меҳнат қилади.

Д. ЮСУПОВ,

А. Р. Беруний номидаги Тошкент Политехника институтининг катта ўқитувчиси, кимия фанлари кандидати, «ВЛКСМ XVIII съезди» номли қурилиш отрядининг командири.

• Фан — ишлаб чиқаришга

МАШИНА «ИМТИҲОН» ТОПШИРАДИ

Пахтачилик машиналари бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси коллективи пахта терувчи машиналарнинг иш сифати ва унумдорлигини янада ошириш йўлида меҳнат қилмоқда. Бу соҳада пахта терувчи машиналарни лойиҳалаш бўлимида қилинаётган ишлар айниқса диққатга сазовор. Бўлим конструкторлари учун ҳозирги кунлар долзарб ҳисобланади. Чунки пахта йиғим-терими даврида улар яратган янги қурилмалар, турли хил машиналар синовдан ўтказилади. Бу йилги мавсумда бир қанча муаммоларни ҳал қилиш мўлжалланмоқда. Шулардан бири териш аппаратининг асосий ишчи органи — шпинделнинг илдизидан тозалашдир. Маълумки, терим жараёнида шпинделнинг тиш тубларига кир ўтириб қолади. Натижада шпинделнинг активлиги камаяди, пахтанинг бир қисми чаноқларда қолиб кетади. Шундай пайтларда шпинделни тозалаш учун анчагина ишчи соати бекорга сарфланиши ҳар бир механизаторга маълум.

Бир группа конструкторлар шпиндель юзасининг доимо тоза бўлишини таъминлаш мақсадида уни доимий равишда сув билан ҳўллаб туришни – таклиф қилдилар. Бу таклиф асосида териш аппаратларидаги шпинделларнинг барчасини барабар ҳўллаб турадиган қурилма яратилди. Шундай қурилма ўрнатилган ХН-3.6 маркали тўрт қаторли машина бу йил синовдан ўтади.

Яна бир диққатга сазовор иш шпинделдан пахтани тозалаб олувчи чўткаларнинг ўз ўқига болтсиз маҳкамлаш усулининг топилганлигидир. Янгилик «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашаси ва «Ташсельмаш» заводи мутахассисларининг ҳамкорлигида яратилди.

Ўтган мавсумда бўлим конструкторлари пахта терувчи машина бункерида пахтани зичловчи мосламанинг дастлабки конструкциясини синаб кўрган эдилар. Зичлагич бу йил тўрт қаторли машиналарга ҳамда ничечка толали пахтани терувчи ХВН—1,2 маркали машина бункерларига ҳам ўрнатилди.

Бир қанча техникавий янгиликлар бу йил завод ва хўжаликларда синовдан ўтади.

Машина конструкциясига электроника ҳам кириб келмоқда. Электроника принципига асосланган мослама ёрдамида механик-ҳайдовчи терим аппаратининг ҳолатидан хабардор бўлиб туради. Мослама москвалик мутахассислар билан ҳамкорликда яратилмоқда.

Туркманистон давлат машина-синаш станциясида эса қатор оралари 90 сантиметр бўлган майдонлардаги ничечка толали пахтани теришга мўлжалланган машина давлат синовидан ўтади.

«Ташсельмаш» заводи билан ҳамкорликда тўкилган пахтани териб олувчи ҳаво подборщиги ва терилган пахтани ҳаспўлардан тозаловчи қурилмаларга эга бўлган машинанинг дастлабки намуналари яратилмоқда.

— Булар қилмоқчи бўлган ишларимизнинг бир қисми холос,— дейди бўлим бошлиғи, техника фанлари кандидати Рафиқ Матчонов.— Биз пахтакорларимизнинг оғирини енгил қиладиган серунум машиналар яратиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаверамиз.

М. ТОШБОЛТАЕВ,

техника фанлари кандидати.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми

ҳаётлар

• ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗАЛАРИ

ХИЁБОННИНГ АСЛ НОМИ

Хиёбон деганида, скамейка бўлишига қарамай тик туриб шивирлашаётган ошиқ-маъшуқлар, бир қўлида газета тутиб ўйга чўмган қариялар, сукунатга ғарқ сарсон жой кўз ўнгингга келади.

Агар шундай хиёбонда ўтмиш лавҳаларини жонлантирувчи, ота-боболаримизнинг Ватан учун, эрк ва озодлик учун кўрсатган қаҳрамонликларидан дараг берувчи ёдгорлик бўлса, хиёбон янада файзлироқ муқаддас даргоҳга айланади.

Ана шундай жойлардан бири «Узбекистон Давлат санъат музейи»ни ўз бағрига олган «Коммунарлар парки»дир. Парк ўртасида бидодарлик қабристони жойлашган.

1917 йил 12 сентябрда Ўрта Осиёда революцион ҳаракатга асос бўлиб кирган етти минг кишилик ишчи-солдатлар ва эски шаҳар меҳнаткашларининг митинги шу табаррук жойда бўлиб ўтган.

Хўш, мана шу мўътабар парк қандай ном билан юритилади ва унинг асл номи нима? Келинг, фактларга мурожаат қиламиз. «Правда Востока» газетасининг 1967 йил 12 сентябрь, 1968 йил 13 июнь, 1956 йил 4 ноябрь, 1957 йил 10 апрель сонларида Александровский парки (ҳозирги Кафанов ёки темирйўлчилар хиёбони) деб аталган. Бу ердаги трамвай, троллейбус ва автобус бекатларида ҳам Кафанов парки ёки Кафанов хиёбони деб эълон қилинган ва эълон қилинади. Саёҳатчилар бюросидаги экскурсоводлар ҳам шу ном билан атаб ўришади.

Александровский, Федерация, темирйўлчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариш парки, Кафанов хиёбони ва Кафанов парки... Шунча ном, шаҳардаги ҳеч бир парк ёки хиёбон шу сингари кўп номга эга эмас.

Нима учун биз ҳеч қандай манбага таянмай туриб бу муқаддас зиёратгоҳ жойни ҳар хил ном билан атаймиз? Кўп номлиликка чек қўйишимиз лозим. Бу қутлуғ парк муайян аниқ ва сўнгги ном билан аталса яхши бўларди. Хиёбонга УзССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 6 январь қарорининг 6-моддасига биноан «Коммунарлар парки» деб ном берилган.

Кейинги пайтда бу муқаддас даргоҳ кичрайиб парклик ҳусусиятини йўқотди ва хиёбонга айланиб қолди. Шунинг учун уни «Коммунарлар хиёбони» деб атасак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Узбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг юқоридаги қарорини эса мармар тахтачага битиб хиёбон кираверишига ўрнатиб қўйиш зарур.

Б. МУРОДАЛИЕВ,

Узбекистон тарихий ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг Тошкент шаҳар Совети ходими.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Бўстонлиқ районидаги 14-«Ўзжанент» совхозининг мириштор боғбону-соҳибкорлари бу йил шаҳарликлар дастурхонига ҳар йилгидан ҳам кўпроқ тоғолча, ёнғоқ, малина, смородина ҳамда олма, узум ва сабзавот маҳсулотлари тортиқ этиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу ўринда, айниқса Н. Мадаминов бошлиқ бригада боғбонлари пешқадамлик қилишяпти. Ҳар куни Ғазалкент консерва заводига, Чирчиқ, Тошкент шаҳар аҳолисига 10 минг килограммга етказиб олхўри, олма, смородина, тоғолча ва бодринг жўнатилмоқда. Яқинда пландаги 23 ўрнига 30 тонна олхўри сотиб, йиллик план бажарилди.

Бригадада бугунгача 200 тоннадан зиёд ҳар хил мева ҳосили тайёрланиб, шаҳарликларга жўнатилди. Асосий экин — ёнғоқ, беҳи, олма, смородина пишиб етилмоқда.

Қ. РУСТАМОВ,
студент.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

ЧОЙХОНА КЕРАК

Аэропорт, вокзал, автостанциялар ёз ойларида жуда гавжум бўлади. Езнинг жазирама иссиғидан чанқаган ҳар бир йўловчи муздай газ сув ёки чойхона қидириб атрофга аланглайди. Баъзан-баъзан газ сув автоматлари жонга оро киради. Аммо вокзал, аэропорт ва автовокзаллардаги газ сув автоматлари унчалик кўп эмас. Борлари ҳам дуруст ишламайди. Бу жойларда чойхоналарни эса умуман топиб бўлмайди. Кофе ёки канао ичган билан чанқоқни қондириб бўлмайди.

Маҳаллий шароитимизни, иссиқ иқлимимизни ҳисобга олиб, аҳоли гавжум бўладиган вокзал, аэропорт, автостанция каби жойларда чойхоналар очилса, яхши эмасми. Савдо ташкилотлари нега бунга аҳамият бермаётганлари бизни ажаблантиради. Йўловчилар ва аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиниб, бу жойларда чойхоналар очишга аҳамият берилса, айни муддао бўларди.

Э. ВАЛИЖОНОВ,
ўқитувчи.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ҚАРОВСИЗ ВАГОНЛАР

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли 1-депо хизмат қилаётган маршрутлар йўловчилар талаби даражасида эмас. Аввало,-деярли барча трамвайларда эрталаб ва кеч пайтларда йўловчилар тиқилинч бўлишига қарамай бекатларда олдинги эшик очилади-ю, орқа эшик очилмайди.

Маршрутларга чиқарилаётган трамвай вагонлари қаровсиз аҳволда. 1152-вагонга чиқиш ким-ши ёқа ушлайди. Бир йўла икки кишилик учта ўриндиқ, касса ёнидаги иккита бир ўринли ўриндиқ (5 августда) йўқ. Қолган ўриндиқлар ҳам талабга жавоб бермайди. Бирининг суянчиғи йўқ бўлса, яна бирининг ўтирадиган жойи—авраси ўйнаб кетган.

Бундай ҳолни 1015, 1071, 1077, 1086, 1087, 1192, 1208 ва бошқа вагонларда ҳам учратиш мумкин. Бу вагонларда ҳам бир-иккитадан, ҳатто учтадан ўриндиқ йўқ. Кўпини ўтирадиган жойларидаги пружиналари кўриниб ётибди.

Наҳотки, ўриндиқларни ремонт қилиш, йўқларини бутлаш қийин бўлса. Хўш, 1-депо раҳбарлари нима дер экан?

И. РУСТАМОВ,
йўловчи.

• *Қурилиш майдонида*

МЕЪМОРЧИЛИК КОМПЛЕКСИ

Ҳадрада қад кўтарган «Средазуголь» бирлашмасининг меъморчилик комплекси ҳадемай фойдаланишга топширилади. Объектда пардоз ишларини Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-трест 53-қурилиш бошқармасининг К. Сумелидис бошлиқ сувоқчилар, Б. Тошпўлатов раҳбарлигидаги бўёқчилар бригадалари бажаришмоқда. Н. Собиров етакчилик қилаётган мармарчилар эса Нурота ва Омонқўтондан келтирилган рангли мармарларни бинога ўрнатишяпти.

Қурувчилар бинони шахтёрлар кунига — яъни 27 августда фойдаланишга топширишга сўз беришган.

Н. ҚУЧҚОРОВ.



Енгил металл конструкциялари заводининг токари Абдураззоқ Шокиров москваликларнинг ташаббусига биринчи бўлиб қўшилган эди. У ҳозир смена топшириқларини 130 процент бажариб, ўз сўзининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: А. Шокиров. **Т. Ҳасанов фотоси.**

◆ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

ПУХТА ҲОЗИРЛИК БИЛАН

Куйбишев район маорифчилари 91 та мактаб, мактабгача болалар муассасаларини 10 августгача жорий ва капитал ремонтдан чиқардилар. Ремонт ишларида оталиқ ташкилотлари, 1335 ўқувчини бирлаштирган 89 та ўқувчилар қурилиш-ремонт бригадалари жонбозлик кўрсатишди. Фақат капитал ремонт учун 447 минг сўм сарфланди.

Райондаги 29 та мактабни янги ўқув йилига намунали тайёрлаш билан бирга янги тўртта мактабда ҳам ташкилий-тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Районда ҳар бири 1560 ўринли 1-Қорасув, 2-Қорасув, Трактор заводи массивларида ва Советский кўчасида муҳташам мактаб бинолари қад ростлади. Бу мактабларнинг қурилиши учун 5.200 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, 560 минг сўмдан ортиқ пулга мактаб инвентарлари сотиб олинди.

Янги мактабларда ўқишларни бир сменада, кабинет системасида олиб бориш учун ҳамма шароитлар яратилган.

Бу йил райондаги 6600 ўқувчи биринчи қўнғироқни янги мактабда, 3650 кичкинтой биринчи бор қўнғироқни кутиб олади. Умуман 30 мингдан зиёд ўқувчи сентябрь тонгини қаршилайди.

С. СУЛТОНОВ,

12-мактаб ўқитувчиси.

ЎРИНЛИ ШИКОЯТ

Муҳиддин аканикига меҳмон келди. Кечқурун овқатланиб ўтиришганида пашшалар шунчалик ёпирилдики, эплаб бўлмай қолди. Деразани ёпай дейишса, кун иссиқ.

— Бунақа семиз пашшаларни биринчи кўришим. Ҳар биттаси қовоқ аридай келади-я, жонивор, — деди охири чидолмай.— Қаерда боқяпсиз?

Муҳиддин ака меҳмоннинг пичингига нима дейишини билмай бир зум ўйлаб қолди.

— Бу жониворларнинг эгаси биз эмасмиз, — деди ниҳоят, — Уларни авайлаб семиртираётган хўжайинлари бор. Шундоқ ҳовлига чиқсангиз кўрасиз.

Меҳмон ҳовли этагига бориб қараган эди, пашша фермаси жойлашган маҳалланни кўрди. Умумий ҳожатхона ва ювинди ўраси атрофида пашшалар гужғон ўйнар. аммо нима учундир ҳеч ким уларга эътибор бермас эди.

— Бирон чорасини кўрсангиз бўлмайдими? — деди меҳмон.

Мезбоннинг дарди йиғилиб қолган экан, ҳаммасини айтиб берди.

Бу — 40-ЖЭКка қарашли 88-уйнинг ҳовлиси. Унда етти хонадон истиқомат қилади. Ҳовли майдонида бояги пашша фермалари жойлашган. Кунлар исиб чидаб бўлмайдиган аҳволга келиб қолгач, Собир Раҳимов район Чувалачи кўчасида истиқомат қилувчилар ЖЭКка шикоят кўтариб боришди.

— Бу қандоқ гап. Ҳожатхона тозаланмайди. Ҳовлидан чиқан ахлат олиб кетилмайди. Биттагина бочка атрофида тоғдек ахлат доим уюлиб ётади.

ЖЭК ходимлари аризани дарҳол қабул қилишди. «Автодормехбаза»га қўнғироқ қилишди.

— Тезроқ машина юборинг. Бўлмаса аҳвол чатоқ.

Шикоятчилар хотиржам бўлиб уйга қайтишди. Аммо ахлат икки кунгача олиб кетилмади. Ниҳоят машина келди. Аммо «Автодормехбаза» ходимлари бочкадаги ахлатни олишдан-ю ердагиларни олиб ўтиришмади.

— Буниси бизнинг ишимиз эмас. Ҳеч ким ахлатни ерга ташлашни буюрмаган.

Шундай бўлди. «Ёмон даллол ёнидан» деганларидек шикоятчиларнинг ўзи болачақаларини йиғиб ерга сочилиб ётган ахлатларни бўш бочкага солиб қўйишди. Аммо ахлат машина шу кетганча қорасини кўрсатмади. Бочка тўлганидан кейин ортиб қолган ахлат яна ерга тўкиларди.

«Бировларнинг ифлослиги учун биз азият чекяпмиз, — деб ёзишибди Чувалачи кўчасининг 86, 86-«а», 84, 90-уйларида истиқомат қилувчи Шариф хўжаев, Ғанихўжаев, Абдуллаев, Зулфиқоров ва бошқалар. 40-ЖЭКка қарашли 88-ҳовлининг ахлатини нима учун биз тозалашимиз керак? Бу ерда санитария қоидаларига мутлақо амал қилинмайди. Энг ёмони шундаки, худди мана шу ахлатхонадан салгина нарида боғчаларга гўшт ва сут маҳсулотлари тарқатадиган база бор. Наҳотки болаларнинг касалланиб қолишидан қўрқишмаса». Шикоят ўринли. Собир Раҳимов район санэпидстанцияси ходимлари, район турар жой бошқармаси, 40-ЖЭК раҳбарлари бу масалага қачонгача бармоқ орасидан қарайдилар.

ҲУШЁРБЕК.

Камчиликсиз, куясиз

• ДОСААФ ташкилотларида

ВАТАНПАРВАРЛАР ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида меҳнат қилаётган ишчиларнинг кўплари мудофаа жамиятининг аъзолари ҳисобланишади. Улар ёшларни ҳарбий-ватанпар в а р лик руҳида тарбиялашга самарали ҳисса қўшишмоқда.

Собиқ фронтчи ДОСААФчилардан М. Прусаков, И. Березнев, М. Ершов, Е. Богаткин, А. Глейзер ва бошқалар ёш авлодни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационали э м и, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшишяпти. Улар ёшларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, дастлабки ҳарбий кўникмаларни шаклланти ришда жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти.

Фабрика ДОСААФ комитети ўз ишини партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада олиб боряпти. Айни пайтда бу ташкилот Улуғ Ватан уруши ветеранлари Совети, физкультура коллективлари ва граждан мудофааси штаблари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бу нарса ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий мудофаа масалаларини тез ва аниқ ҳал қилиш, бажарилаётган ишларнинг самарали бўлишини таъминлашга олиб келяпти.

Бунинг учун қўйидаги мисолларни келтиришнинг ўзи кифоя. Фабрикада шу йилнинг ўтган даври мобайнида ҳарбий-ватанпарварлик ва спортнинг барча турлари бўйича амалий кўникма ҳосил қилишяпти. Шунингдек, мўлжалга отиш, радио-телефончилар тўгараклари ишлаб турибди. Бу тўгаракларда олиб борилаётган машғулотлар ёшларни ҳарбий хизматга тайёр бўлишига ёрдам беряпти.

Қисқа қилиб айтганда фабрика ишчилари ёшларни ҳарбий - ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ибратли тадбирларини амалга оширяптилар.

Х. НУРМАТОВА.



Акмал Икромов ва Собир Раҳимов районларидаги кўпчилик мактабларнинг ўқувчилари Калинин районидаги «Москва» совхози деҳқонларига ёз неъматларини йиғиштиришда яқиндан ёрдам беряпти.

СУРАТДА: Собир Раҳимов районидаги 28-мактабнинг 9«б» синф ўқувчиларидан Г. Жўраева, Н. Файзуллаева, С. Мирсодиқова. Улар терган полиз маҳсулотлари пешма-пеш шаҳарликлар дастурхонига жўнатилмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

◆ БИР МАВЗУДА ИККИ ХАТ

САРСОН БЎЛЯПМИЗ

Биз истиқомат қилаётган Куйбишев районидаги Калинин ва Бешкапа кўчаларининг аҳолиси шу кунларда ичимлик сув ахтариб жуда сарсон бўлишмоқда. Ҳар йили ёз келиши билан кўчамиздаги водопровод колонкаларидан бир қултум ҳам сув келмай қолади. Аҳоли эса бошқа кўчалардаги водопроводларга челак кўтариб сарсон бўлмоқда.

Бизнинг водопровод тармоғимиз магистрал қувурга уланмаганлиги учун ана шундай аҳвол рўй бермоқда. Бу ҳақда мутасадди ташкилотларга айтавериб ҳеч қандай натижага эришолмадик.

Куйбишев район ободонлаштириш бошқармаси ва «Водоканал» трести раҳбарлари бунга эътибор бершмаса, ким эътибор беради?

Аҳоли номидан:
Е. УТБОСАРОВ,
ишчи.

Совуқ сув муаммоси

Биз истиқомат қилаётган 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонидаги 41-уйда шу кунларда совуқ сув муаммо бўлиб қолди. Кейинги кунларда 3—4-қаватларга совуқ сув бутунлай келмай қўйди. На ичишга, на ювинишга сув бор.

36-ЖЭК ходимлари бу муаммони ҳал этиш чорасини тополмаяптилар. Балки Собир Раҳимов район уй-жой бошқармаси раҳбарлари бунинг чорасини кўришар.

Аҳоли номидан:
М. МИРМАҲМУДОВ,
ишчи.

10 Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. МАЪРУПОВ: Ҳурматли редакция! Айтингчи, қандай ҳолларда квартираларда ишлаб турган телефонларни узиб қўйишга рухсат этилади. Телефон ишламай турган вақт учун абонентдан ҳақ олинадими?

Жавоб: Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси раҳбарлигининг кўрсатмасига биноан ишлаб турган телефонлар қуйидаги ҳолларда: махсус оммавий тадбирларни амалга оширишда алоқа хизмати зарурати туғилганда (икки ойдан кўп бўлмаган муҳлатга); авария билан боғлиқ ишларни бажариш туғилган тақдирда вақтинча узиб қўйилиши мумкин.

Телефонлари узиб қўйиладиган абонентлар Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси томонидан уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилиб қўйилишлари, телефонни қайта улаш муҳлати ана шу хатда маълум қилиниши, авария ҳодисалари рўй берган тақдирда эса телефон орқали хабар берилиши лозим. Сўнгги саволингизга келганда шуни айтиш керакки, телефон ишламай турган вақти учун абонентдан ҳақ олинмайди.

* * *

Б. ЖАЛИЛОВ: Транзисторли приёмникни ремонт қилдиримоқчи эдик. Шаҳримизда шундай приёмникларни ремонт қиладиган устахоналар бор экан. Шу устахоналарнинг адреси билан таништиринг.

Жавоб: Транзисторли приёмникларни ремонт қиладиган устахона Чилонзор районининг Пионер кўчасидаги 27-уйда жойлашган. Бу устахона аҳолидан гарантия муддати тугамаган транзисторли приёмникларни ҳам, шунингдек пуллатўлаб тузатиладиган приёмникларни ҳам ремонт қилиш учун қабул қилади. Бундан ташқари Марказий универсал магазини ёнидаги Марказ — 7 кварталида «Транзистор» салони бўлиб, бу ерда ҳам ремонт ишлари бажарилади.

* * *

К. САТТОРОВА: Шаҳримизда музика асбобларини тузатадиган ва уларни созлайдиган, шунингдек тикув машиналарини ремонт қиладиган корхона бор экан. Шу корхонанинг иши ҳақида маълумот беринг.

Жавоб: Шаҳримизнинг Весна кўчасидаги 223-уйда «Техсервисбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Бу бирлашма музика асбобларини тузатади, уларни созлайди. Шунингдек, турли маркадаги тикув машиналари ҳам ремонт қилинади. Буюртмалар соатларни ремонт қиладиган пунктларда ҳам қабул қилинади. Шунингдек 91-08-84, 91-05-32, 91-18-93, 77-05-79, 77-25-55, 77-22-24 рақамли телефонлар орқали ҳам аҳолидан турли буюртмалар қабул қилиб олинади.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА
ГАИ АХБОРОТИ

«Тахминан соат 19 дан 25 минут ўтганда мен, ота-онам, акам ва сингилларим билан Уйғур кўчасида турган эдик. Кўчанинг нариги томонига ўтмоқчи эдик. Бир неча қадам қўйиб, йўлнинг ўртасигача борган эдим. Қаттиқ зарбдан асфальтга йиқилганимни биламан».

Касалхонада 13 ёшли Абдували Абдумуталов ёзиб берган ана шу изоҳга қуйидагиларни қўшиш мумкин. Бу бола кўчани кесиб ўтишдан аввал бемалол ўтиб кета олишига ишонч ҳосил қилмаган, яқинлашиб келаётган транспортни эътиборга олмаган. Натижада Иброҳим Гадоев бошқариб келаётган ВАЗ 21011 52— 63 ТНР номерли машинага урилган.

Бош мия суяги шикастланган ва юзлари шилинган ҳолда йўл қоидасини бузган балоғат ёшига етмаган йўловчи 1-шаҳар касалхонасига олиб борилди.

• *Олимлар лабораториясида*

КАТТА СУВ ТРАССАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашида Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга ташлашга боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи махсус ишчи группа тузилди. Яқинда мустақил илмий-тадқиқот институти ҳуқуқини олган кенгаш ҳозир умуммитифоқ аҳамиятига эга бўлган саккизта актуал темани ишлаб чиқмоқда. Шулардан учтаси Сибирь сув ресурсларини Орол денгизи региони. га территориал тақсимлаш проблемасига бевосита бағишланган. Шу ишларни ҳамма чоралар билан тезлаштириш вазифаси қўйилди.

— Давлат эксперт комиссияси лойиҳанинт «Тўргай» деб номланган вариантини маъқуллади. Уни мамлакат Госплани тасдиқлаган, — деди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, кенгаш раисининг ўринбосари, ана шу проблема бўйича етакчи илмий мутахассислардан бири К. И. Лапкин ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда.

Қабул қилинган вариантга биноан Обь ва Иртиш суви Тобольск сув омборидан Тўргай чўли орқали аввало ўзи оқадиган каналдан оқади, сўнгра сувни кўтариш талаб этилган жойда насос техникасининг ёрдами билан оқизилади. Ушбу вариант техника-иқтисодий негизини тайёрлашда ўнлаб илмий коллективлар қатнашди. Сибирь суви бир қисмининг Ўрта Осиёга оқизилиши шу регионда — Обь дарёси ҳавзасида ва ҳаттоки, Шимолий муз океанида физик-географик, экологик ёки бошқа йўсинда муҳим ўзгаришлар келтириши мумкин, деб илгари айтилган хавф-хатарлар асоссиз эканлигини олимлар исбот қилдилар.

Лойиҳанинг биринчи навбати Қозоғистон ва Ўрта Осиёга узоги билан 1990 йилда, ҳеч бўлмаганда 1995 йилда етиб келиши керак. Олимлар шундай муҳлатларни қўймоқдалар. Сибирь сувини Ўрта Осиёга ташлаш проблемасига бағишлаб, шу кўклам Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий конференциясида айтилганидек, лойиҳадаги капитал харажатлар орадан 10— 10,5 йил ўтгач қопланади.

Ҳозир ҳал қилинмаган масалалар устида мамлакатнинг юздан ортиқ илмий ташкилотлари ва лойиҳа ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муассасалари, Ўзбекистоннинг тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари ишламоқда.



Кубада бўлиб ўтган ёшлар ва студентлар XI Жаҳон фестивалида қатнашган Афғонистон Демократик Республикасининг ёшлар делегацияси ватанига бора туриб Ўзбекистондаги тенгдошларининг меҳмони бўлди. Меҳмонлар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида Тошкент ёшлари билан учрашдилар.

СУРАТДА: Ўзбекистон ва Афғонистон ёшлари учрашувдан кейин. Р. Альбеков фотоси.

• *Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда*

Ажойиб воқеалар

Қуйида келтирилаётган парчалар XVI асрда ўтган машҳур олим ва шоир Зайнуддин Восифийнинг форс-тожик тилида ёзилган «Бадойи ул-вақойи» [«Ажойиб воқеалар»] номли китобидан сайлаб олинган.

Зайнуддин Восифий Хуросон Сафовийлар тарафидан босиб олинган (1511 йил)дан кейин Ўрта Осиёга кўчиб келган ва Самарқанд, Туркистон ва кўпроқ Эски Тошкентда истиқомат қилган.

Олимнинг зикр этилган китоби Ўрта Осиёнинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётига оид қимматли маълумотларга бой.

Асардан олинган парчалар кенг ўқувчилар оммасининг талаб ва имкониятини ҳисобга олиб қисқартирилган ҳолда эркин таржима қилинди.

• *Улуғбек ҳақида ҳикоялар*

ЛАЪЛ ЙЎҚОТГАН КИШИ

Кунлардан бир куни бир киши Улуғбек Мирзонинг ҳузурига келиб арз қилди: «Шоҳим, шу кунларда бошимга бир мушкул савдо тушдики, уни ҳал қилишга менинг ақлим у ёқда турсин, балки жаҳондаги барча донолар ҳам ақли етмаса керак. Шунинг учун ҳам сендан нажот истаб ҳузурингга келдим».

Улуғбек унинг бошига не савдо тушганини суриштирди. Ўша одам бундай деди: «Ироқдан келаётиб Хуросондан Самарқандга бораётган савдо карвонига кўшилдим. Жайхун бўйига келиб тушдик. Ҳамёнимда бир парча лаъл бор эди, шунинг учун ҳам сувга тушиш олдидан карвон аҳлидан чўчиб четроққа чиқдим ва бутазор ичига кириб ечиндим. лаълни эса халтачага солиб маҳкамлаб кўйлагимга чигиб олдим. Сувдан мешга миниб ўтдик. Яна карвон аҳлидан пинҳона четроққа чиқиб кийинмоқчи бўлиб тугунни ечсам, ўша лаъл солинган халтача гум бўлибди. Ечинганимни ҳам, кийинганимни ҳам шерикларимдан пинҳон тутганим сабабли, буни бирон кимсадан кўрмадим. Бошимга тушган савдо мана шу, шоҳим».

Улуғбек Мирзо деди: «Сен бирон йил сабр қилиб турасан, шу муддат ичида лаълинг топилса нур устига аъло нур топилмаса унинг қимматини мендан олгасан». Ўша арз билан келган киши Улуғбекка икки букилиб таъзим қилди, сўнг унинг ҳузуридан чиқди.

Подшоҳ ўша вақтнинг ўзидаёқ девонбегини чақиртириб шу йилди мамлакат бўйича содиқ тўлаши зарур бўлган одамларнинг умумий рўйхатини тузиб келишни буюрди. Рўйхат тузиб келтирилгач, уни синчиклаб кўриб чиқди ва бир четга олиб қўйди. Янги йил кириши билан девонбегидан ўтган йили содиқлик тўлагаиларнинг умумий рўйхатини қайтадан туздириб олди. Сўнг, ҳар иккала рўйхатни алоҳида бир-бирига солиштириб чиқиб, қизиқ бир ҳолни аниқлади. Ўтган йили қоракўлликбир киши ҳирож учун 50 танга ўрнига 500 танга тўлаб юборибди. Улуғбек Мирзо ўша одамни шитоб билан саройга олиб келишни буюрди, сўнг уни хилват бир хонага олиб кириб не сабабдан 50 ўрнига 500 танга содиқ тўлаганини тафтиш қилиб, кейин сўради: «Сен бирон мўлмайроқ бойлик топиб олдингми, ё бўлмаса бирон кимсанинг уйини урдингми, ёки отангдан ултуржи мерос қолибмиди, ёинки сени суйган бирон бадавлат одам орқали бойиб олдингми?» У жавоб қилди: «Шоҳим, қоракўллик бир оддий тўқувчиман. Бир куни бўз тўқиб турганимда дўконим олдидаги дарахтга бир ҳакка келиб кўнди. Унинг тумшуғида бир бўлак гўштга ўхшаш бир нарса бор эди. Ҳакка тасодифан тумшуғидаги нарсани ерга тушириб юборди ва уни олмоқчи бўлиб ўзини ерга отди. Лекин мен «киш-киш» лаб уни қувиб юбордим ва у тушириб юборган нарсани кўлимга олдим. Қарасам, лойга беланган бир халтача экан. Уни очганимда ичидан кўзни қамаштирадиган ва, ҳатто офтобни ҳам ҳиралаштирадиган бир дурафшон тош чиқди. Уни, тангри-таоллонинг менга кўрсатган шафқат ва марҳамати деб билиб, ҳамёнимга солдим ва эртаси куни тонгда Самарқанд томон йўл олдим. Шаҳзарга келгач, «зар қадрини заргар, жавоҳир қадрини — жавҳаршунос билади», деганларидек бир жавҳаршуносниинг олдига бордим. У тошни қўлига олган ҳамоно безовта бўлди ва рангу-рўйи руммоний лаълдек бўлиб қизариб кетди. Ҳаяжонга тушиб ўзимга келиб қолган чоғимда, ё бўлмаса бирон кимсанинг уйини урдингми, ёки отангдан ултуржи мерос қолибмиди, ёинки сени суйган бирон бадавлат одам орқали бойиб олдингми?» У жавоб қилди: «Шоҳим, қоракўллик бир оддий тўқувчиман. Бир куни бўз тўқиб турганимда дўконим олдидаги дарахтга бир ҳакка келиб қўнди. Унинг тумшуғида бир бўлак гўштга ўхшаш бир нарса бор эди. Ҳакка тасодифан тумшуғидаги нарсани ерга тушириб юборди ва уни олмоқчи бўлиб ўзини ерга отди. Лекин мен «киш-киш» лаб уни қувиб юборган нарсани кўлимга олдим. Қарасам, лойга беланган бир халтача экан. Уни очганимда ичидан кўзни қамаштирадиган ва, ҳатто офтобни ҳам ҳиралаштирадиган бир дурафшон тош чиқди. Уни, тангри-таоллонинг менга кўрсатган шафқат ва марҳамати деб билиб, ҳамёнимга солдим ва эртаси куни тонгда Самарқанд томон йўл олдим. Шаҳзарга келгач, «зар қадрини заргар, жавоҳир қадрини — жавҳаршунос билади», деганларидек бир жавҳаршуносниинг олдига бордим. У тошни қўлига олган ҳамоно безовта бўлди ва рангу-рўйи руммоний лаълдек бўлиб қизариб кетди. Ҳаяжонга тушиб ўзимга келиб қолган чоғимда от, бола-чақаларимга қийим-кечак, уй-рўзғор ашёлари, хотинимга тақинчоқлар, гилам ва бошқа нарсаларни сотиб олдим ва юртимга қайтдим. Бизнинг бирдан бойиб қолганимиздан ташвжубланганлар ҳам бўлди. Уларга: «Самарқандда бир бадавлат қариндошим бор эди, у вафот қилибди. Мероскўри йўқ эди, мулки менга қолди», деб жавоб қилдим».

Мирзо Улуғбек ўша жавҳаршуносни топдириб келтириб тафтиш қилди, у бўлса аввалда тонди, лекин охири лаълни тўқувчини алдаб арзимас пулга сотиб олганлигини бўйнига олди. Улуғбек Мирзо ўша лаълни ўз эгасига қайтарди.

Б. АҲМЕДОВ

тайёрлаган.

◆ ЕЗ— УТМОҚДА СОЗ

ҚУВНОҚЛАР МАСКАНИ

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига қарашли Заркентдаги Ф. Э. Дзержинский номли пионер лагери чиндан ҳам қувноқлар масканига айланиб қолган. Бу ерда ҳар йили 750 дан ортиқ шаҳарлик ўқувчи мириқиб дам олиб кетади. Ҳозир бу ерда учинчи смена дам олувчилари пионер ёшини қувноқ ўтказишмоқда.

Лагерь тоғ бағрида жойлашган бўлиб, ундаги турли хил дарахтлар, гиёҳлар, ҳар қадамда қўёш нурида жилвланиб турган музлек булоқ сувлари ўзига хос бир ажиб манзара касб этади. Булоқ бўйида шашка, шахмат столлари ва китоб, журнал, газеталар ўқиш учун қўйилган махсус скамейкалар, теннис, бильярд ўйинлари учун ажратилган жиҳозлангган спорт майдончалари мавжуд. Мармар тошлар билан безатилган бассейн, кўм-кўк футбол майдони бу ерда дам олаётган жажки ўғил ва қизлар ихтиёрида.

— Лагеримиз барпо этилганига энди саккиз йил бўлди,— дейди лагерь бошлиғи Галина Любимова.— Бу ерда дам олаётган ўқувчилар зеркин ҳималигини билишмайди. Тез-тез спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтказиб турамиз. Шунингдек, ёшбобочилар тўгараги ҳам мавжуд. Ҳозир пионерлар Ленин комсомолининг 60 йиллигига бағишлаб ватанпарварлик темасида кўп ва қўшиқ конкурсига тайёргарлик кўришмоқда.

З. ҒАФУРОВА.

ПУХТАЛИК КАРТАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси сейсмология институтининг олимлари Қашқадарё областидаги Оёқчисой сув омбори қурилиши зонасидаги сейсмик вазиятни текшириб чиқдилар. Изланишлар натижаси бўйича тузилган карта участкаларнинг зилзилага бардошлигини муфассал таърифлаб беради. Шу карта ва тегишли тавсиялар амалда фойдаланиш учун «Узгипроводхоз» лойиҳачиларига берилди.

(ЎзТАГ).

Юрий БОНДАРЕВ,

Ленин мукофоти лауреати.

СОҲИЛ

Шундан сўнг Никитин уйга қайтиш завкини бир лаҳза тасаввур этаркан, суҳбатдан чалғимаслик учун грамматик қурилишга риоя қилиб бундай деди:

— Менинг авлодим хусусига келсак, фрау Герберт, биз қирқ иккинчи йил баҳорида навқирон, хушчақчақ ва айниқса бахтиёр эдик. Уруш тугади. Тинч меҳнат қилиш бошланди. Биз эндигина йигирмадан сал ошгандик, халос. Қандай ажойиб. Негадир шу ҳақда ўйлаб кетибман фрау Герберт.

— Болакай экансан, — гапга қўшилди дўриллаб Самсонов. —Ўшанда мен йигирма тўртга киргандим, сен эса жудаям гўдак экансан. Қизиқ, замбарагинг учига тагликингни илиб юрмасмидинг ишқилиб?

— Ундан ҳам баттар, отахон, ҳар бир жангдан кейин тагликларимизни замбарак стволлари қуритардик... Узр, фрау Герберт, биз яна оғайним билан русча савол-жавоб қилиб олдик.

Герберт хоним машина ойнасига тутун пуркаб жим кетаверди.

— Бироқ... ҳозир ҳам хушчақчақлигин гизга ишониш мумкин, жаноб Никитин, — деб қўйди фрау Герберт эҳтиёткорона. — Менимча, сиз бахтлисиз, соғ-саломатсиз. Кайфиятингиз ҳам бир меъёрда, дуруст...

Никитин сўнгги жумланинг шаъмасини яхши тушунмагани учун бармоқларини қирсиллатиб Самсоновни ёрдамга чақирди:

— Платон, илтимос, сўнгги жумлани ўз тилимизга ағдар. Менинг кайфиятим доим дуруст ва... яна қанақа?

— Кайфиятингиз бир меъёрда, бахтиёрсиз, жаноб Никитин, — аниқ таржима қилди Самсонов. — Ҳи-мм... Қўшимча қилсам, енгилгак одамдай таассурот қолдираяпсан, буёғига ҳушёр бўл. Мабодо мен бирор бемаъни гап қилиб қўйсам жин ҳам урмайди, аммо сенга мумкин эмас. Узингни бахтиёрдай тут, классик. Шундай бўлсин!

— Ташаккур, тушундим. Энди жавобимни ағдар, мен чалкаштириб юборишим мумкин, оғир жумла экан, жин ургур, — деди Никитин жиддийлашиб. — Кўполлигим учун узр, Герберт хоним. Билишимча, менинг ёнимда фақат бегам аҳмоқларгина ҳар жиҳатдан тўла бахтиёр бўлаоладилар. Бир меъёрдаги кайфият эса одамни кўп нарсадан сақлайди. Чунончи, ўзўзингдан ҳам. Тўғри, доим ҳам шундай бўлавермайди.

— Жаноб Никитин, мен сизни...

Герберт хоним Никитинга ҳайратли кўм-кўк кўзларини тикди-да, гапини тугатмай бошқа мавзуга кўчди...

— Жаноблар, ҳадемай етамиз. Сизлар қадимий ва шинам «Регина» меҳмонхонасида турасизлар. Муюлишдан ўтсак етамиз, жаноблар.

Герберт хоним машинасини меҳмонхонанинг ойнабанд эшиги рўпарўсидаги сердарахт тор кўчада тўхтатди. Кўча шарҳарра машиналар оқими тинимсиз ўтиб турадиган сершовқин катта йўлдан анча четда эди. Никитин билан Самсонов машина юкхонасидан юкларини олганларидан кейин гилламлар тўшалган, ғоят сокин, ҳатто ташқарида ёзиқли қоғоз лента ёпиштирилган кўм-кўк умивальник тепасида дазмолланган, юпқа ва қалин сочиқлар кўринарди. Никитин яна хонага қайтиб, ўзини чуқур креслога ташлади-да, оёқларини узатиб юборганча осойишталик ва қулайликлардан завқланиб ҳаёлга ботди:

«На чора, мунозаралар, қабуллар, мусоҳаба ва гурунгларга сероб меҳмонхона— ресторан ҳаёти мана шу ердан бошланади. Муҳтарам Вадим Николаевич, кимлиги ҳозирча номаълум фрау Герберт бунчалар меҳмонновозлик кўрсатишига қарамай ҳориждаги бу ўн кун абадиятдай туюлса керак. Ўлгудай ҳолден тоясиз ҳали. На чора, келганингиздан кейин буёғига қўйиб беринг, чиданг энди...»

Никитин ҳозир ортда қолган, бу ердан олис, ёмғирли минг километр нари масофадаги нарсалар, уйи ҳақида ўйлашни истамасди. Сабаби, бир ҳафтадан кейин кабинети, хотинини, Москванинг қиш арафасидаги ноябрь совуқларини соғиниб дилхун бўлишини биларди.

«Ҳозирча ҳаммаси аъло даражада», — Никитин шундай ҳаёл сураркан чемадонидан Парижда харид қилган галстуги билан оҳорли французча кўйлагини ечиб қолганингини айтиб кўя қолай. Уни сенга бокишларини сездингми? Самсонов коньякни ҳидлаб кўрди.— Оҳ, ҳидингдан айнамай!..

Никитин баданига ёпишиб турадиган шойи кўйлаги ва пиджагини ечидида, хонаси покизалигидан мамнун, бегам қиёфада жигарранг коньяк товланувчи стаканни олиб Самсонов билан уришгириб ичарканбу кучли ичимлик куксини қиздириб боравётганидан томоқ қириб қўйди:

— Яхши кетди, коғайл! Кузатувчиларнинг масаласига келсак, Платоша, Шерлок Холмснинг ўзи экансан.

— Манавиндан газак қил.— Самсонов чўнтагидан иккита обаки олиб биттасини Никитинга бамисоли совгадай тутди. — Ол, самодаги асфальтга ёғаётган ёмғир овози ҳам эшитилмайдиган кенг-мўл, кимсасиз вестибюлга кириб, Ҳаммаёқдан қадимий мебелларнинг иси анқиради. Пештахта ортидан гўштдор юзли бир киши («Гутен та-аг!») мулозимат билан худди уйдагидай бамайлихотир чиқиб келди. У фрау Гербертга шивирлаб нимадир деди-да, Никитин билан Самсоновга салгина бош иргаб, пештахта ёнига таклиф қилгач, паспортларини сўради. Регистрация бланкаларини тўлгазиш кўп вақт олмади. Шундан кейин ҳалиги киши думалоқ катталарден меҳмонларнинг ҳар бирига рақамли калитларни олди. Сўнгра чамадонларни кўтарганича вестибюль ичкарисидаги лифт томон йўналди. Ойнали деворда унинг акси кўриниб турарди.

— Катта раҳмат. Бизни яхши олиб келдингиз, фрау Герберт, — деди Никитин. — Бундан кейинги режалар қанақа?

— Шошилмайроқ гапирайми, жаноб Никитин?

— Ҳозирча илтимос, кўникиб олишим керакда, ҳали, Бўлмаса, Самсоновни таржима қилдираверинг чарчатиб кўямиз.

Герберт хоним жилмайди.

— Самолётда толиқиб қолгандирсизлар, дам оливолишинглар керак. Кечкурун сизларни уймада кўрсам хурсанд бўлардим. Соат еттида олиб кетгани келаман. Энди эса... бемалол, хоналарингни кўринглар, истасанглар кийинib ўн минутлардан кейин пастга тушинглар. Сизларни ресторанда кутаман. Биргаликда озроқ ичишимга рухсат этасизлар. Нима дейишарди? На ваше здо-ровь-вье-е? — деди у русчалаб чўзиб ва сал хижолатда немисча сўзлар изларкан Никитинга ўхшаб қўлларини кирсиллатиб кўйди.— Русчасига шундай дейишадими? Ё кўпол қилиб айтдимми?

— Чиройли гапираркансиз, фрау Герберт. Ўн минутдан кейин биз пастда бўламиз.


Улар лифтда бешинчи қаватга кўтарилишди-да, қалингина, узун ва кўмкўк юмшоқ синтетик гилам тўшалган йўлакка чиқиб, ёнма-ён турган хоналарини тез топиб олишди: хоналарнинг эшиклари атайин қия очиқ бўлиб, чамадонлари ҳам киритиб қўйилганди.

Никитиннинг хонаси куз пайтидагидай ним қоронғи, ёмғир томчилари дераза ойналарини мойин чертарди. Никитин плашини ечиб, чироқ ёқканди икки кишилик каровatдаги топ-тоза авралик ўрин, яркироқ оппоқ ёстиқлар яшнаб кетди. Ёстиқларнинг кўринишиёқ ҳузур бағишлар, уларнинг юкорисида юбкачасимон бежиримгина абажурлари бор эди. Катта кийим шкафи, ўтириб ишласа бўладиган ва устига ингичка оёқли ёзув столи кўринib турар, учта юмшоқ кресло қуршовидаги торшернинг пуштиранг гумбази остидаги журнал столчаси ялтюлт қиларди.

«Ҳамма нарса жойжойида, немисларга хос серанжом-саришта», — кўнглидан ўтказди Никитин галстугини ечаётиб. Кейин ним озонатор ҳиди анқиётган

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!


ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИНИНГ
(ЦУМ биноси, Ун икки терак кўчасида)
ЯНГИ ПАВИЛЬОНИ ОЧИЛДИ



Янги павильон 180 квадрат метр майдонга эга бўлиб, у ерда электр рўзғор буюмлари билан савдо қиладиган секция жойлашган.

ХАРИДОРЛАР БУ ПАВИЛЬОН САВДОСИДАН ХОЛОДИЛЬНИК, КИР ЮВИШ МАШИНАСИ, МАИШИЙ КОНДИЦИОНЕР, ПИЛЕСОС ВА ЭЛЕКТР ДАЗМОЛЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШЛАРИ МУМКИН.

Савдо ходимлари Сизга буюм танлашда ёрдам берадилар ва сотиб олган буюмингиздан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида фойдали маслаҳатлар беришади.



ЦУМНИНГ ЯНГИ ПАВИЛЬОНИГА ЭЛЕКТР-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН ТАШРИФ БУЮРИНГ!

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР, 46-СМЕНАЛИ БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йилига
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

радиотелемеханик (пулли группа), телеграфист, почта алоқаси оператори, почта жўнатмаларининг сараловчиси, телефонист, шаҳар телефон станцияларининг электромонтёри (стипендия 56 сўм); электр кранларининг машинисти, газ-электр пайвандчи (стипендия 40 сўм).

Билим юртига 16 ёш ва ундан катта бўлган, 8—10 синф ҳажмида маълумотли телефонистлар, телеграфистлар, почта алоқасининг операторлари, шаҳар телефон станцияларининг электромонтёри ва сараловчилик ихтисосликларига 17 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий прописка бўлган; электр кўприк кранлари машинисти ва газ-электр пайвандчи ихтисосларига 17 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Ўқувчилар билим юртини тугатганларидан кейин база корхоналарига ишга юборилади.лар.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: аттестат ёки 8 синф ҳажмида маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), мактабдан характеристика, турар жойидан справка, медицина (286-форма) справкаси, 4 та фотосурат, 3х4 см, ҳажмида, автобиография, директор номига ёзилган ариза.

Машғулотлар — 1 сентябрдан соат 9.00 ва 13.00 да, радиотелемеханиклар учун эса 18.00 да бошланади.

Билим юртида ўқиш муддати — 1 йил.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 51-уй. (8, 10, 24, 9-трамвайларнинг «Кафанов кўчаси», 2, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Телефон: 56-58-87.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ёритиш, ёритгич ва кучланиш тармоқлари ҳамда электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчилар, тақсимот қурилмалари бўйича электромонтажчилар, радио-телевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва тузатиш бўйича радиомеханиклар, автоматика ва контроль ўлчов асбобларини тузатиш бўйича слесарлар, киномеханиклар, саноат ускуналаридан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр (Чкалов номли авиация бирлашмаси учун — программали станокларнинг электрон қисми бўйича), **созлаш-ишга тушириш ишлари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, радиоаппаратура ва асбоблар монтажчиси; радиоаппаратураларни йиғувчи монтажчи** (қизлар), **ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчи.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—2 ИЛ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига — 8-синф ҳажмида маълумот билан кирган ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан; ўрта маълумот билан кирганлар эса ҳар ойда 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юрти қошида кечки мактаб ишлайди.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ёритиш ёритгич ва кучланиш тармоқлари ҳамда электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирганларида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган (ўрта маълумотлилар 7 ярим ой, саккизинчи синф ҳажмида маълумотлилар 10 ярим ой ўқийдилар).

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ёшлар эса ўрта ва олий ўқув юртларига билимини оширишга юборилади-лар.

Билим юртида яхши спорт базаси, ҳар хил техника ижоди тўгараклари, ҳамда вокаль эстрада ансамбли бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, таржима ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, паспорт, медицина справкаси, ҳарбий билет (ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), турар жойидан справка, 3х4см. ҳажмида 6 дона фотосурат.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, «Ивановолик тўқимачилар» кўчаси, 8-уй.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
(ёзги театрда)
19—20 АВГУСТ СОАТ 20.00 ДА
НАВОИЙ НОМЛИ НАМАНГАН ОБЛАСТЬ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ ва
УРИНБОЙ НУРАЛИЕВ

Солистлар: **Турдиали САИДУЛЛАЕВ, Садриддин ОМОНОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Лазокат РЎЗИМАТОВА, Мавлуда ИЎЛДОШЕВА ва бошқалар.**

Ансамблнинг музика раҳбари МИРЗААБДУЛЛА МИРЗАТОВ.

Билетлар сотилмоқда.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

18 АВГУСТДА

ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

«ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ — ДУСТЛАР ДУНЁСИ»
АТТРАКЦИОНИ

Қатнашадилар:

Испан корридаси, ўргатилган қўтос ва овчаркаларнинг чиқиши, айиқполвонларнинг ёғоч оёқда юриши.

Раҳбар — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Виталий Тихонов.

Бутуниттифоқ цирк ва кино артистлари кўригининг лауреатлари иштирокида

«КАВКАЗ МАНЗАРАСИ»

Шимолий Осетия АССР халқ артисти ҲАСАНБЕК КАНТЕМИРОВ постановкаси.

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ПРОГРАММА.

«Ҳазилни кўй» масхарабозлар группасининг чиқиши.

Томошалар соат 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да томошалар кўрсатилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Корхона, ташкилот, ўқув юрти, болалар муассасаси, колхозлар ва совхозларга бориб билет сотиб хизмат кўрсатиш кассирлар томонидан бажарилади.

Буюртмалар қуйидаги телефонлар бўйича қабул қилинади: 44-35-84, 44-35-91.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

26, 27 август соат 14.00 да

«МОТОР» (Чехословакия)— «БИНОКОР» (Тошкент)
КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар 19 августгача қабул қилинади.

Билетлар спорт зали кассасида 20 августдан бошлаб сотилади.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-02-50, 46-07-53.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СССР 50 ИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИГА

Тракторчилар, кранчилар, темирчилик-пресслаш ускуналарининг операторлари, слесарь-йиғувчилар ва слесарь-ремонтчилар, станокчилар, темирчи-штамповкачилар, штамповкачилар.

ҲАМЗА РАЙОН КОРХОНАЛАРИГА

Автокран кранчилари, слесарь-ремонтчилар, слесарь-сантехниклар, лифтчилар, электромонтёрлар, токарлар, фрезерчилар, совутиш-компрессор қурилмаларининг машинистлари, ҳар хил ишчилар, инженер-конструкторлар, механиклар, технологлар, лаборатория бошлиғининг ўринбосари, таъминот бўлими бошлиғи

ОКТЯБРЬ РАЙОН КОРХОНАЛАРИГА

Электр пайвандчилар, слесарь-сантехниклар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, механизм двигателлари бўйича слесарлар, слесарь-токарлар, слесарь-изолировкачилар, слесарь-обмоткачилар; инженер-энергетиклар, теплотехниклар, металлурглар, механиклар, электриклар, машинистка

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Электрон ҳисоблаш машинасининг операторлари, электрон ҳисоблаш машинасининг математик программистлари

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3 подъезд, 5-хона.

Ленин райони пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь райони пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор райони пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе райони пункти — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Ҳамза райони пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев райони пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров райони пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов райони пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов райони пункти — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели райони пункти — Райисполком, Совет Армияси майдони.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/VIII да **Оламнинг яратилиши**, 19/VIII да **Пиковая дама**, 20/VIII да **Севги ҳақида қисса.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали драма театри биносида) — 18/VIII да **Келинлар қўзголони**, 19 /VIII да **Уйланиш**, 20/VIII да **Келинлар қўзголони.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ — ДУСТЛАР ДУНЁСИ»** аттракционининг томошалари.

КИНО

18 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Эй, бахтли инсон!** (18.45).

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «ЧАЙКА» (20.00).

Лейтенант Слейднинг хатоси— ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20, 21.30), «ЧАЙКА» (18.00), «МОСКВА» (17.30, 19, 20.00), «ВОСТОК», (18. 20, 21.40), «НУКУС» (17, 19, 20.45).

Топталган туйғулар— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).

Топталган туйғулар— «ХИВА» (20.45, 22.30).

19 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон!** (10.30, 13.15, 16, 18.45).

Лейтенант Слейднинг хатоси — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 18, 21.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона —«ЧАЙКА» (16, 20.00).

Бургутнинг сўнгги йили — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Ҳаво линияларининг марказий агентлигига берилган йўқолган
1 НОМЕРЛИ ПЕЧАТЬ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Китобсеварлар диққатига!

АВГУСТ, СЕНТЯБРЬ ВА ОКТЯБРЬ ОЙЛАРИДА
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА

Шанба ва якшанба кунлари мақулатура топшириб олинган абонементларга
А. ДЮМАНИНГ «10 ЛЕТ СПУСТЯ» КИТОБИ (45 та)
БЕРИЛАДИ.

Жума кунлари — абонементлар олиш учун мақулатура топшириладиган кун.

Ҳамза райони, Строительная кўчаси, 38-уй (12-автобуснинг «1-уйсозлик комбинати бекати»)**да 29-қабул пункти очилди.**


Ленин районидаги 24-қабул пункти Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй (9-автобуснинг «Индустриальний техникум-бекати)**да ишламоқда.**

Қабул пунктлари жума, шанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача (танаффус 13.00 дан 14.00 гача) **ишлайди.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛАШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ 104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ



Ўрта маълумотли ўқувчилар (уч йил муддатли ўқиш) **қуйидаги мутахассисликларни эгаллаб чиқадилар: контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь, ёритгич, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи, юқори вольтли электр узатиш ҳаво линиялари монтажи бўйича электромонтёр, подстанцнялар ва электр тармокларидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, электростанция қозонлари ва турбиналарнинг машинисти, кучланишли ускуналар ремонти бўйича слесарь, электрослесарь, автомобиль кранлари машинисти.**

Билим юртига 15 ёшга тўлган 8-синф маълумотидаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар уч маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАРГА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

16 ва ундан катта ёшдаги ўқувчилар бир йил муддатли ўқиш (техника билим юрти программаси бўйича) **қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилинадилар: контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь, юқори вольтли ҳаво линиялари монтажи бўйича электромонтёр, таксимлаш қурилмалари ремонти бўйича электрослесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.**

Ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар бир йил муддатли ўқишга қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР АТТЕСТАТ ОЛАДИЛАР.

Тошкент шаҳрида яшовчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет, ҳарбий рўйхатга ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, олтита фотосурат (3х4 см.) яшаш жойидан справка ва медицина (286-форма) справкаси.

МАШҒУЛОТ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси (Олой бозоридан «ТашГРЭС»гача 62-автобус билан борилади). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча 6-12, 3-18, 6-26.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

18 АВГУСТ— ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Жасорат». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 18.55 «Депутатлик ишлари». 19.25 «Жаҳон халқларининг ижоди». Ҳиндистон санъати. 19.55 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. Л. Н. Толстой. «Ёшлик» Кўп серияли телевизион спектакль. 3-қисм. 21.30 «Вақт» информацион программаси 22.00 «Кинопанорама». 23.30 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари». 00.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Кекса бўри ва Пуфик». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.15 «Ҳаёт каби гирик». 18.45 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомоллари» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Осетия куйлари». Фильм-концерт. 19.50 «Ижод саҳифалари». Миртемир. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Дирижёр ҳикоя қиладн». Кўрсатувни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зоҳид Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Дурангсиз ўйин». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 А. Н. Островский. «Мўмай пуллар». Телевизион спектакль. 2-қисм (рус.). 19.55 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Тошкент» телепрограммаси. «Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни». 20.45 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги Бутуниттифоқ кўриги давом этмоқда». 21.05 «Надежда Обухова». Фильм-концерт.

19 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Дулево шаҳар болалар хореографии ансамблининг концерти. 10.20 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.50 Л. Н. Толстой. «Ёшлик». Кўп серияли телевизион спектакль. 3-қисм. 12.20 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 13.20 «Спортлото» тиражи. 13.35 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 14.05 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.50 Совет композиторларининг учувчилар ва космонавтлар ҳақидаги кўшиқлари. 15.10 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 15.45 «Сиз бунга қодирсиз». 16.45 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 17.00 Мультфильмлар программаси: «Сеҳрли қалпоқча», «Мен уни қаерда кўрганман», «Юморчи қозиқ ва транзистор».

17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «1978 йил қўшиқлари». 19.15 «Апрель ойидаги икки кун. Революция ҳақида репортаж». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Автор — Ф. Сайфуль-Мулюков. 20.15 «Гвариери квартети». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Голубой огонёк» саҳифаларида. 23.05 СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 23.40 «Рақс куйга айланиши учун». Фильм-концерт. 00.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Иккинчи истеъдод». Концерт. 11.20 Болалар учун телевизион театр. Х. Тўхтабоев. «Беш болали йигитча». 1-қисм. 12.05 «Ота-оналар университети». 12.35 Болалар учун телевизион театр. Х. Тўхтабоев. «Беш болали йигитча». 2-қисм. 13.30 «Ёш киноҳаваскорлар клуби». 14.30 «Телевидение экранида биринчи марта». «Довюрак болалар автомобиль пойгасида». Бадиий фильм (рус.). 17.20 Кўрсатувлар программаси. 17.25 «Шоирлар — болаларга». 17.55 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида» (рус.). 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен— Совет Иттифоқи гражданиман». 18.55 Халқаро масалалар бўйича шарҳловчилар телетомошабинларнинг саволларига жавоб берадилар. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Оила даврасида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 К. Яшин. «Бухоро». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Кўрсатув тугагач кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Устод юбилейи». Ҳужжатли фильм. 17.55 «Гунчахон санъат». Болалар учун концерт. 18.15 «Кинокамера билан саёҳат». 19.15 «Новости» информацион программаси. 19.30 Ёшлар учун ҳарбий-спорт программаси. 20.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 20.45 «Ахбор» информацион программаси. 21.10 «Аёл бахти». 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

---

4 бет ЮШКЕНТ ОҚШОМИ
18 АВГУСТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000: ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р-03540. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1383.